

Ҳаётда энг олий орзу ва мушибат нима?



11:02 / 03.07.2019 2613

Агар ҳаётингда олий орзуинг нимадир?, деб сўрашса,

Роббимнинг муҳаббатига эришиш, деб айтар эдим.

Агар ҳаётингда энг катта мушибат нимадир?, деб сўрашса,

Роббимнинг мендан юз ўгиришидир, деб айтар эдим.

Шарҳ:

1. Иймони комил бўлган киши, дунёда Аллоҳнинг муҳаббатига эришсам ва унинг назарига тушсам, деб яшайди. Ҳолбуки, Аллоҳ ҳеч бир жонзотнинг ҳатти-ҳаракатидан, ҳатто уларнинг қалбларида яшириб юрган нарсаларидан ҳам ғофил эмасдир. Аммо, Аллоҳнинг муҳаббатига эришмоқ бутунлай бошқа нарса. Чунки у зотнинг муҳаббатига эришган кимса ҳаёт ва охираат мазмунини тўғри англай олади. Ҳар қандай синовларга сабр-тоқатли, кўнглида инсонларга нисбатан адоват сақламайдиган, ёлғон, ғийбат ва Роббиси норози бўладиган ҳар қандай гуноҳлардан ўзини тийишга ҳаракат қиладиган кимсадир.

2. Иймони комил кишига дунёдаги айрилиқлар ҳам, ҳатто ўзига етган дардлар ҳам кичик мушибат бўлиб кўринаверади. Аммо унга муҳаббат

қўйган зот, оламлар Роббиси Аллоҳнинг ундан юз ўгириши энг катта мусибат ҳисобланади. Бу мусибат тоат-ибодатда бардавом бўлиб юрган кишининг Аллоҳ таоло норози бўладиган ишга қўл уриши ёки яна кўфрга қайтишидир

Мухриддин Мирзаев Юнусмат ўғли